

“YANGI ASR” - ILMIY-METODIK JURNALI

1 ЖИЛД, 1 СОН

“НОВЫЙ ВЕК” - НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТОМ 1, НОМЕР 1

“NEW CENTURY” - SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

VOLUME 1, ISSUE 1



“YANGI ASR” – ILMİY-METODİK JURNALI

“НОВЫЙ ВЕК” – НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ | “NEW CENTURY” – SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

№1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2023-1>

Bosh moharrir

Zoxidov Qobiljon Toirjonovich
Yangi asr universiteti rektori,
tarix fanlari nomzodi, Dotsent

*

Bosh muharrir o‘rinbosari
Mamatov Dilmurod Narmuratovich
Pedagogika fanlari doktori,
Dotsent

ТАХРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ

Mas‘ul kotib

Yusupov Oybek Nematjonovich,
Dotsent (O‘zbekiston)

*

Muslimov Narzulla Alixanovich
Pedagogika fanlari doktori,
Professor (O‘zbekiston)

*

Qo‘ysinov Odil Almurotovich
Pedagogika fanlari doktori,
Professor (O‘zbekiston)

*

Shaxabitdinova Shoxida Xoshimovna
Filologiya fanlari doktori,
Professor (O‘zbekiston)

*

Akromov Mirmuxsin Rustamovich
Psixologiya fanlari doktori
(O‘zbekiston)

*

Rustamov Dilshod Abduvaxidovich
Filologiya fanlari doktori,
Professor (O‘zbekiston)

*

Saliyeva Zuxra Taxirovna
Psixologiya fanlari doktori,
Dotsent (O‘zbekiston)

*

To‘raqulov Olim Xolbutayevich
Pedagogika fanlari doktori,
Professor (O‘zbekiston)

*

Konstantinos G. Karras
PhD., Professor (Gretsiya)

*

Park Sang Wu
PhD., Professor
(Janubiy Koreya)

*

**Yuldashodjayev Haydar
Xashimxanovich**
tarix fanlari nomzodi
(O‘zbekiston)

*

Ishandjanov Baxtiyer Ilxamovich
tarix fanlari nomzodi
(O‘zbekiston)

*

Bekchonova Shoira Bazarbayevna
PhD (O‘zbekiston)

Главный редактор

Зоҳидов Кабилжон Тоиржонович,
Ректор Университета «Новый век»,
кандидат исторических наук, доцент

*

Заместитель главного редактора
Маматов Дилмурод Нармуратович
доктор педагогических наук,
доцент

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Ответственный секретарь
Юсупов Ойбек Нematjonovich,
доцент (Узбекистан)

*

Муслимов Нарзулла Алиханович
доктор педагогических наук, профессор
(Узбекистан)

*

Куйсинов Одил Алмуротович
доктор педагогических наук,
профессор (Узбекистан)

*

Шахабитдинова Шохида Хошимовна
доктор филологических наук,
профессор (Узбекистан)

*

Акромов Мирмухсин Рустамович
доктор психологических наук
(Узбекистан)

*

Рустамов Дилшод Абдувахидович
доктор филологических наук,
профессор (Узбекистан)

*

Салиева Зухра Тахировна
доктор психологических наук,
доцент (Узбекистан)

*

Туракулов Олим Холбутаевич
доктор педагогических наук,
профессор (Узбекистан)

*

Константинос Г. Каррас
PhD., профессор
(Греция)

*

Пак Сан У
PhD., профессор
(Южная Корея)

*

**Юлдашходжаев Хайдар
Хашимханович**
кандидат исторических наук
(Узбекистан)

*

Ишанджанов Бхатиёр Ильхамович
кандидат исторических наук
(Узбекистан)

*

Бекчонова Шайра Базарбаевна
PhD
(Узбекистан)

Editor in chief

Zohidov Kabiljon Toirjonovich,
Rector of New Century University,
Candidate of History, Associate Professor

*

Deputy chief editor
Mamatov Dilmurod Narmuratovich
Doctor of Pedagogical Sciences,
Associate Professor

EDITORIAL BOARD

Executive secretary
Yusupov Oybek Nematjonovich,
Associate Professor (Uzbekistan)

*

Muslimov Narzulla Alikhanovich
Doctor of Pedagogical Sciences,
Professor (Uzbekistan)

*

Kuysinov Odil Almurotovich
Doctor of Pedagogical Sciences,
Professor (Uzbekistan)

*

Shakhabitdinova Shokhida Hoshimovna
Doctor of Philology Sciences,
Professor (Uzbekistan)

*

Akromov Mirmuxsin Rustamovich
Doctor of Psychology
(Uzbekistan)

*

Rustamov Dilshod Abduvakhidovich
Doctor of Philology Sciences,
Professor (Uzbekistan)

*

Turakulov Olim Holbutayevich
Doctor of Pedagogical Sciences,
Professor (Uzbekistan)

*

Konstantinos G. Karras
PhD, Professor (Greece)

*

Park Sang Woo
PhD, Professor
South Korea

*

**Yuldashkhodzhayev Khaydar
Khashimkhanovich**
PhD in history Sciences
Uzbekistan

*

Ishandjanov Bakhtier Ilhamovich
PhD in history Sciences
(Uzbekistan)

*

Bekchonova Shayra Bazarbaevna
PhD (Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

FILOLOGIYA TADQIQOTLARI

1. Nazarov Sardor Xasanovich BADIY TARJIMANING LINGVISTIK MUAMMOLARI.....	4
2. Латипов Окил Журакулович КОНЦЕПТ «КОШКА» В АСПЕКТЕ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОЙ ИНТЕРПЕТАЦИИ.....	10
3. Шахобиддинова Шохида Ҳошимовна, Рустамов Дилшод Абдувоҳидович СИНЕРГЕТИКА – ТИЛГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	18
4. Юсупов Ойбек Нематжонович ТАРЖИМА ИЛМИ.....	27

PEDAGOGIKA TADQIQOTLARI

5. Adamandia Z., Kulijanov U. SUCCESS FACTORS OF A SUCCESSFUL DIGITAL STORYTELLING.....	36
6. Bekchonova Shaira Bazarbayevna KIBER TAHDIDLAR INDEKSI.....	44
7. Govindh M. MODERN EDUCATION: IMPORTANCE, CHARACTERISTICS, ADVANTAGES & EFFECTS.....	51
8. Konstantinos G. Karras SOFT SKILL DEVELOPMENT IN PRIMARY SCHOOL WITH A FOCUS ON NEW TECHNOLOGIES THROUGH CRITICAL PEDAGOGY.....	55
9. Leonidas-Dimitrios Kotrogiannos EDUCATION OF VULNERABLE GROUPS THE CASE OF GREECE.....	65
10. M^a Pilar M.C., Celia Navío IDENTIFYING GOOD PRACTICES WHEN IMPLEMENTING STORYTELLING IN THE EFL CLASS.....	73
11. Mamatov Dilmurad Narmuradovich RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA TA'LIMDA KORPORATIV HAMKORLIK ASOSLARI.....	79
12. Қўйсинов Одил Алмуротович ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАНИҚИЙ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ.....	85

PSIXOLOGIYA TADQIQOTLARI

13. Акрамов Мирмуҳсин Рустамович АХЛОҚИЙ ОНГ ТАБИАТНИ ЭСТЕТИК ИДРОК ҚИЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛИ СИФАТИДА.....	89
--	----

TARIX TADQIQOTLARI

14. Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович СИЙРА ВА ТАБАҚОТ ЖАНРИДАГИ АСАРЛАР АРАБ-МУСУЛМОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА.....	95
15. Ишанджанов Бахтиёр Илохомович МОВАРОУННАҲРДА СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ.....	101
16. Саттиев Музаффар Латифович ТОИФ БИТИМИ - СИЁСИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ САРИ ҚАДАМ.....	106

YANGI ASR

НОВЫЙ ВЕК - НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
NEW CENTURY - SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

ILMIY-METODIK JURNALI

ISSN: 0000-0000


www.tadqiqot.uz

TARIX TADQIQOTLARI

Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович

Т.ф.н., доцент, Янги аср университети ректори

СИЙРА ВА ТАБАҚОТ ЖАНРИДАГИ АСАРЛАР АРАБ-МУСУЛМОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.8145898>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ислом тарихи, пайғамбаримиз хақида ва ислом тарихининг ривожланиш босқичлари, сийра ва табақот жанридаги асарлар араб мусулмон тарихини ўрганишда муҳим манба эканлиги ёритиринган.

Таянч сўзлар: ислом тарихи, сийра, табақот, манба, мусулмон.

Зоҳидов Кабилжон Тоиржонович

ректор кандидат исторических наук, доцент

ПРОИЗВЕДЕНИЯ В ЖАНРЕ СИРА И ТАБАКАТ ВАЖНЫЕ ИСТОЧНИКИ В ИЗУЧЕНИИ АРАБО-МУСУЛЬМАНСКОЙ ИСТОРИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье выделено история ислама, также о нашем пророке и этапах развития исламской истории, произведения жанра сира и табакат являются важным источником в изучении арабо-мусульманской истории.

Ключевые слова: исламская история, сира, табакат, источник, мусульманин.

Zohidov Kabiljon Toirjonovich

Ph.D., Associate Professor, Rector of Yangi Asr University

WORKS IN THE GENRE OF SIIRA AND TABAKAT ARE AN IMPORTANT SOURCE IN THE STUDY OF ARAB-MUSLIM HISTORY

ABSTRACT

This article highlights the history of Islam, also about our prophet and the stages of development of Islamic history, works of the genre of siira and tabakat are an important source in the study of Arab-Muslim history.

Key words: Islamic history, siira, tabakat, source, Muslim.

Илк араб-мусулмон давлатчилиги тарихини ўрганиш турли даврларда ҳам кўплаб тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Мазкур даврнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳарбий жihatларини ёритишдаги асосий муаммо тарихий асарларнинг фақат VIII-XI асрларда, яъни даврга нисбатан кечроқ ёзилганлигидадир. VII аср воқеалари уларнинг шоҳидлари –

ровийлар орқали етиб келган оғзаки ҳикоялар асосида баён этилади. Мазкур хабарлар аксарият ҳолларда уламолар ва турли диний фирқа - гуруҳ вакиллари томонидан жамланганлиги сабабли уларга ортиқча диний ва субъектив талқин берилган.

Илк ислом тарихини яхлит ҳолда ўз ичига олган манбаларни таҳлил этишда уларнинг муаллифлари қайси диний гуруҳлар, ижтимоий табақаларга тегишли эканлигига алоҳида эътибор бериш зарур чунки, турли муҳитлар (муржи'ийлар, умавийлар, шиалар, аббосийлар, хорижийлар ва бошқа ҳарбий-диний гуруҳлар)га мансуб муаллифлар томонидан яратилган манбалар ўртасидаги тафовутли маълумотларни қиёсий ўрганиш ҳақиқий воқеликни тиклашда катта аҳамиятга эгадир.

Манбалар гуруҳи сон жихатидан ҳам, уларда жамланган материалларни тўқислиги ҳам аҳамиятлидир. Аксарият асарлар IX-XI асрларда ёзилган бўлиб, уларда акс эттирилган VII аср воқеалари фатҳ юришлари иштирокчиларининг оғзаки ҳикоялари орқали баён этилган. VIII асрда ушбу ҳикояларга адабий ишлов берилиб ёзилган, аммо биринчи анъанавий ёзувчиларнинг асарлари бизгача етиб келмаган. Аммо мазкур асарлар кейинги давр тарихчилари учун муҳим манба сифатида хизмат қилди.

Сайф ибн Умар ат-Тамимий (708-796 й.) илк араб тарихчиларидан. Унинг "Футуҳ ал-кабир ва ар-ридда" асари кейинги давр тарихчилари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Бу асарда араб-мусулмон давлати армия тизимининг тузилиши ва давлат бошқарув тизими ҳақида қимматли маълумотлар жамланган. Муаллиф ҳақида манбаларда маълумотлар жуда кам учрайди. Унинг тўлиқ исми Сайф ибн Умар ал-Усайидий ат-Тамимийлигини ҳисобга олинса, у Куфанинг машҳур Бану Тамим қабиласидан бўлганлигини айтиш мумкин. Аз-Заҳабийнинг фикрича "Сайф билимдон ахборийлардан эди". Муаллиф ҳақида Ибн Ҳажар ал-Асқалоний шундай дейди: "У ҳадисда заиф эди. У ҳаётининг биринчи ярмини Мадинаи Мунавварада яшади. Кейин Ироққа кўчиб кетиб, Куфа шаҳрида кўним топди. У ерда ўз даврининг машҳур шайхларидан илм олди. У тириклигидаёқ шуҳрат қозонди, унинг замондоши шиа уламоларидан Наср ибн Мазоҳим (748-828 й.) ундан иқтибос келтиради." Шарқшунос Фред Доннер уни ҳижрий II-асрнинг йирик араб тарихчиларидан деб ҳисоблайди. "У ҳамкасблари сингари тарихий воқеалар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилди, тарихий шахсларнинг ҳаёти ва ўлими билан боғлиқ воқеаларни катта иштиёқ билан ўрганди. У тарихни севиб одамлар орасида танилмагунча ўлмади". Унинг бу асарлари бизгача етиб келмаган бўлсада, улар ҳақида ат-Табарий маълумотлар келтирган.

Илк тарихчилардан яна бири ал-Воқидийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Абдулло Муҳаммад ибн Умар ал-Асламий (747-823 й.) энг қадимги ва машҳур тарихчилари ва ҳадис ровийларидан. У хабарлар, сийра, урушлар, воқеа-ҳодисалар ва фикрдан кучли эди. У ёшлигида Мадинада бугдой савдоси билан шуғулланган. Унинг қўли очиклиги, унинг молиявий қийинчилик ва қарздорликда яшашига сабаб бўлар эди. У китоб ва маълумотларни тўплашни яхши кўрарди ва унинг бой кутубхонаси мавжуд эди. Ўзи сотиб олишга пули етмаган китобларни котиб шогирдларига кўчириб олишни буюрар эди. Унинг шогирди Ибн Саъднинг "Китоб ат-табақот ал-кубро" асарида унга кўплаб иқтибос келтиради.

Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг вазири Яхё ибн Холид ал-Бармакийнинг тавсияси билан ал-Воқидий ҳаж мавсумида халифанинг йўл кўрсатувчиси вазифасини бажаради. Бу воқеа унинг мартабасини ўсишига сабаб бўлади. Ҳорун ар-Рашид уни Бағдодга таклиф қилади. Бағдодга боргач, уни қози этиб тайинланади ва у ерда вафот этади.

Ал-Воқидийнинг "Китоб ал-мағозий" асари бизгача етиб келган ва тўлиқ нашр қилинган. Шунингдек, унинг "Футуҳ аш-Шом" асари бизгача тарихий роман тарзида етиб келган.

Воқеа-ҳодисаларга объектив баҳо беришда муаллифнинг диний эътиқоди муҳим. Шу жиҳатдан ал-Воқидийнинг ҳам мазҳаби тадқиқот учун катта аҳамиятга эга. Баъзи тарихчилар уни суннийлик оқими вакили деса, тарихчи Ибн Надим уни шиаликка мансуб бўлганлигини таъкидлаб шундай дейди: "У шиа эди. У ўз мазҳабини яхши ушлаган. Шиа эканлигини яширишга мажбур бўлган (тақийа)". Ибн Надимнинг ал-Воқидийнинг шиалиги тўғрисидаги фикри бир неча жиҳатдан мунозарали. Тарихчи Ибн Исҳоқнинг ҳам худди шундай шиаликда

айбланганлигини эслаш муҳим. Уни шиаликда айбланишга бўлган сабаб ал-Ҳасан ва ал-Ҳусайнларнинг туғилишлари ва вафот этишлари тўғрисида китоб ёзганликлари айнан ал-Воқидийда ҳам кўринади. Агар ал-Воқидийнинг ўз даврининг халифалик пойтахтида қози вазифасини бажариши билан бирга унинг шиа бўлганлиги ва унинг бизгача етиб келган "Китоб ал-мағозий" асарида шиалик унсурларининг устуворлиги яққол сезилмаслиги билан унинг шиа мазҳабига мансуб эмаслигини хулоса қилиш мумкин.

Абу ал-Ҳасан Мадоиний (752-843 й.) асли Басралик мавлонолардан. Мадоин (Месопотамия) да яшаганлиги учун мадоиний нисбаси берилган. Йирик мутакаллимлардан унинг калом илмидаги устози Маъмар ибн ал-Ашъаб. Лекин у адабиёт ва тарих соҳасида яхши танилган.

У ҳақида аз-Заҳабий: "Аллома Абу ал-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абу Сайф ал-Мадоиний ишончли ахборийлардан эди. У Бағдодга келиб муснадларни таснифлаши, сийра, насаблар ва арабларнинг кунлари ҳақидаги яхши маълумотга эга эканлиги билан танилди".

Ибн ан-Надим Мадоиний ёзган асарлар сонини 239 та эканлигини таъкидлайди. Унинг "Ахбор ал-хулафо", "Ахбор Қурайш", "Футуҳ аш-Шом", "Тарих ал-булдон" асарларидаги маълумотлардан унинг шогирдлари унумли фойдаланган.

Ас-Сийра ан-Набавийя (Пайғамбар (ﷺ) ҳаёт йўллари) араб адабиётидаги бир жанр бўлиб, ўрта асрларда араб адабиёти жанрлари орасида етакчи ўринни эгаллаган. Уламоларнинг таъкидлашларича, Муҳаммад пайғамбар (ﷺ) тарихлари ва суннатларини ўрганиш Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан кейин учинчи ўринда турадиган манба сифатида таърифландилар. Сийра жанрини ислом тарихи ва Муҳаммад пайғамбар (ﷺ) ҳаётлари ёритилган диний манба сифатида ўрганилди, лекин араб тилидаги нодир адабий манба сифатида кам ўрганилган. Сийра жанрининг шаклланиши Муҳаммад (ﷺ) суннатлари ва тарихларини ўрганиш, кейинчалик, ҳадис мактабларининг ривожланиши оқибатида эса фикҳ, пайғамбарлик ва ҳарбий юришлар билан боғлиқ ҳадислар тўплана бошланди. Аввалига мағозий (ҳарбий юришлар) билан боғлиқ жанр пайдо бўлди, кейинчалик эса Расулуллоҳ (ﷺ) нинг таваллудлари, пайғамбарлик, ҳарбий юришлар ва вафотларига қадар тарихни ўз ичига олган сийра тўлиқ жанр сифатида шаклланди.

Сийранинг таркибига тарихий воқеалар, агиографик афсоналар, Қуръони карим оятлари, тафсир маълумотлари ва оятларнинг нозил бўлиш сабаблари, ҳадислар ва шеърий парчалар киради.

Илк ислом тарихини, ҳамда сийранавислик жанри асосчиларидан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ (699-769 й.) бўлиб, Муҳаммад (ﷺ) вафотларидан кейин Пайғамбар (ﷺ) ҳаётига оид барча ёзувлар ва ривоятларни умумлаштириш асосида «Сийрат Расулу-л-ллоҳ» («Аллоҳ элчисининг ҳаёт йўли») тарихий асарини ёзган.

Унинг «Ал-Мубтадаъ ва Ал-мабъас ва Ал-мағози» (Ибтидо, пайғамбарлик ва урушлар) асари сийранавислик ичида энг аҳамиятлиси ҳисобланади. Бу асар охирида Абу Бакр халифалик даври, ар-Ридда ва ал-Хулафо ар-рошидун даврига оид бўлган фасллар ўрин олган. Шунингдек, «Тарих ал-хулафо» номли бошқа китобида халифалик асри ҳақида батафсил маълумот берган. Аммо, унинг бу асарлари бизгача етиб келмаган. Аммо мазкур китоблардаги баъзи маълумотларни бошқа тарихчиларнинг асарларида учратиш мумкин.

Мазкур жанр бўйича ёзилган китоблар ичида Ибн Исҳоқнинг асари шох асар дейиш мумкин. Унинг асари ва у ҳақидаги маълумотлар бизгача Ибн Ҳишом асари орқали етиб келган. Ибн Исҳоқнинг Расулуллоҳ (ﷺ) нинг ҳаётларига бағишланган китоби сийра жанридаги илк ва нуфузли асарлар сирасига киради.

Академик Александр Борисович Куделиннинг фикрича, Ибн Ҳишом Ибн Исҳоқнинг асарини тартибга солишда баъзи парчаларни чиқариб ташлаган ва уларнинг ўрнига жуда усталик билан кўшимча ва шарҳларни қўшган. Ибн Ҳишомнинг Ибн Исҳоқ асаридаги баъзи маълумотларни чиқариб ташлаши, унда маълумотларга ёки унинг шахсиятига нисбатан ишончсизликни белгиламайди. Ибн Исҳоқ 704 йили Мадина шаҳрида туғилган. Унинг отаси

ва икки амакиси “хабар” етказувчилардан (ислом тарихшунослигининг қадимги услубларидан бўлган бирор воқеа ва ходиса ҳақидаги хабарни етказувчилар) эди. Аввалига Ибн Исҳоқ ҳам хабар ва ҳадисларни етказувчилик қилди. Тез орада у аз-Зухрийнинг шоғирди сифатида шуҳрат қозонди. Тарихчи Ибн Халликоннинг (1211-1282 й.) ўрта аср муаллифлари ҳақидаги биографик маълумотлар тўплами бўлган “Вафайат ал-а’йан ва анба’ абна’ аз-заман” асарида Ибн Исҳоқни ҳадис илмининг билимдони ва Муҳаммад (ﷺ) нинг ҳарбий юришлари ҳақидаги маълумотларни тўплаган биринчи тарихчи сифатида ёритилган. Муҳаммад Исмоил Бухорий “ат-Тарих ал-кабир” (Катта тарих) асарида “Ким мағозийлар (Пайғамбар (ﷺ) қатнашган урушлар) ҳақида тўлиқ билишни истаса Ибн Исҳоққа мурожаат қилсин”, деган фикрни билдирган.

Хижозлик муҳаддис Суфйон ибн Уйайна (725-811 й.) “Мен ибн Исҳоқ келтирган ҳадиснинг нотўғрилигига шубҳа қилган инсонни учратмадим”, деган фикрни айтади. Шунингдек, унинг маълумот беришича, аз-Зухридан Ибн Исҳоқнинг мағозийлари ҳақида сўрашганда, у “Бу борада у ҳаммадан кўра кўпроқ билади”, деб жавоб берган. Басралик муҳаддис олим Шуъба ибн ал-Хажжож (ваф. 160/776 й.) “Муҳаммад ибн Исҳоқ – ҳадислар борасида мўъминларнинг амиридир”, дейди.

Ибн Исҳоқ 733 йили Мисрга бориб, 737 йили Искандарияда муҳаддис Язид ибн Аби Ҳабибдан таълим олади ва Мадинага қайтиб, ўз Ватанини унга душманона кайфиятда бўлган икки шахс учун ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Улар муҳаддис Ҳишом ибн Урва (680-763 йиллар) ва моликийлик мазҳаби асосчиси, “Мадина имоми” Молик ибн Анасдир (ваф. 796 й.).

Келишмовчиликка Ибн Исҳоқнинг Ҳишом ибн Урванинг хотини Фотима бинт ал-Мунзирдан ҳадис ривоят қилгани бўлди. Бундан ғазабланган Ҳишом ибн Урва: “Нима у менинг аёлимнинг олдига борганми?”, дегани манбаларда сақланиб қолган.

Аммо, Молик ибн Анас билан келишмовчиликлар тоза профессионал аҳамият касб этган бўлиши керак. Ибн Исҳоқнинг бизгача етиб келмаган “Сунан” асарида тўпланган ҳадисларни қизғониш ёки келишмовчиликлар сабаб бўлган, дейиш мумкин. Бу борада Ибн Халликонда куйидаги маълумот сақланиб қолган: “Малик ибн Анас Ибн Исҳоқнинг “Менга Малик тўплаган ҳадисларни беринглар, мен улардаги нуқсонларни тозалайман”, деганини эшитиб, уни урушган ва “Ким ўзи у Ибн Исҳоқ? Ҳақиқатдан у ўзини олим деб даъво қиладиганлардан бири эди, биз уни Мадинадан ҳайдадик”, деган гаплари манбаларда сақланиб қолган.

Ибн Исҳоқнинг Мадинани тарк этиши, унинг номини тарихда абадий қолишига сабаб бўлди, дейиш мумкин. Чунки, у Мадинадан кетгандан сўнг кўплаб шаҳарларда яшади. Иккинчи аббосий халифа Абу Жаъфар ал-Мансур (136/754-158/775 й.) билан Хира шаҳрида учрашганда унга “Мағозий”ни ёзиб беришни ваъда қилади ва ёзади.

Ибн Исҳоқ “Китаб ал-мағозий ва ас-сийар” асари билан бирга “Китаб ал-хулафо” ва “Сунан” асарларини ҳам ёзган. Ибн Исҳоқнинг “Китаб ал-мағозий ва ас-сийар” асари уч қисмдан иборат бўлиб, “ал-Мубтадо” (Бошланиш), “ал-Мабъас” (Пайғамбарлик) ва “ал-Мағозий” (Урушлар). “Китаб ал-мағозий” асарининг кўп қисми Юнус ибн Букайр ибн Восил аш-Шайбонийнинг “Мағозий”сида сақланиб қолган. Ибн Исҳоқнинг мазкур асарлари афсуски, бизгача етиб келмаган. Ибн Ҳишомнинг ҳам асарига кирмай қолган баъзи қисмларини Абу Жаъфар ат-Табарий (224/839-310/923 й.) ўз манбаларида унумли фойдаланган.

Муҳаммад пайғамбар(ﷺ)нинг ҳаётий тарихларини ёритиш билан шуғулланган яна бир аллома – Абу Муҳаммад Абд ал-Малик ибн Ҳишом ибн Аййуб ал-Химйорий ал-Маъофирий ал-Мисрий бўлиб, у Басрада таваллуд топган. Уни кўплаб манбаларда Ҳимйар қабиласининг Маъофирий уруғига мансуб эканлиги қайд этилган. У илми Басрада олди ва Мисрга бориб, вафот этгунча, яъни 833 йилгача Фустот шаҳрида яшади.

У тарих, насабшунослик ва тилшунослик илмлари билан шуғулланган. Аммо, у ўзини “ан-Нахвий”, яъни филолог деб ҳисоблаган. Лекин, уни тилшунослик эмас, аксинча, тарихий ва сийра жанрида ёзган асарлари машҳур қилди.

Ибн Ҳишомнинг “ас-Сийра ан-набавийа (Сийрат Ибн Ҳишом, Сийрат Расулуллоҳ)” асари Муҳаммад пайғамбар (ﷺ) ҳаётларига доир ҳозирги давримизга тўлалигича етиб келган энг қадимги манбадир. Ибн Исҳоқ “ал-Мағозий”сининг турли ровийлар томонидан нақл этилган кўплаб нусхасидан ҳеч бири тўлиқ ҳолда бизгача етиб келмаган. Ибн Ҳишомнинг асари эса кўпроқ мисрлик ровийлар орқали бошқа мусулмон ўлкаларига етказилган. Ибн Ҳишомнинг мазкур асари Муҳаммад Пайғамбар (ﷺ) ҳаётлари ҳақидаги энг биринчи асар сифатида дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Шу жумладан, 2011 йили ўзбек тилига ҳам таржима қилинди.

Муаллифнинг тарихга оид яна бир асари “Китаб ат-тийжан фи мулуки Ҳимйар” (“Китаб ат-тийжан ли маърифат мулук аз-заман фи ахбар қаҳтан”) Ваҳб ибн Мунаббихга тегишли эканлиги ва уни Ибн Ҳишом томонидан ривоят этилгани таъкидланади.

Муҳаммад пайғамбар (ﷺ) ҳаётлари ва илк ислом тарихини мукамал ёритиш мақсадида сийрашунослик билан бир қаторда табақот жанри ҳам бирга ривожланди. Араб тарихшунослигида табақот биографик жанрнинг махсус тармоғини ташкил этиб, авлодлар бўйича, энг дастлабкидан сўнггисигача (Пайғамбар (ﷺ) саҳобалари, тобеъинлар, табаъа тобеъинлар ва б.) жойлаштирилган. Регионал тамоилга ҳам риоя қилинган – материал шаҳарлар, алоҳида мавзелар ва халифаликни ташкил этган вилоятлар (баъзан бутун ислом дунёси) бўйича тақсимланган.

Авалло табақот жанри ҳадис илми эҳтиёжларини тўла қондиришга мўлжалланган. У ислоднинг ҳаққонийлик даражасини аниқлашда энциклопедия вазифасини бажарган. Ислоднинг дастлабки даврида табақот жанри асосан ҳадис билимдонлари ва фақиҳларга бағишланган. Бироқ маданий эҳтиёж ва илм-фан тараққиёти кейинчалик турли касб ва даражадаги шахсларнинг (шоирлар, адиблар, котиблар, вазирлар, тилшунослар, табиблар, донишмандлар, ваъзхонлар, қорилар, фақиҳлар, суфийлар ва б.) авлодларини хронологик тартибдаги табақотлари пайдо бўлишига имкон берди.

Адабиётлар:

1. Аз-Заҳабий. Мизон ал-иътидаал фий нақд ар-рижаал. – Т.2. – Б. 255.
2. Араб тарихчиси, ахборийлардан. Зайдийлардан кейин Имомий бўлган. Куфада яшаган ва Бағдодга кўчиб ўтиб, ҳадис ўрганган ва Куфага қайтиб, атторлик савдоси билан шуғулланган. Унинг ишончилиги учун бозор ишларига масъул этиб тайинланган. У “Сиффин”, “ал-Жамал”, “ал-Ҳусайннинг ўлдирилиши” ва шунга ўхшаш шиалик билан боғлиқ асарлар муаллифи.
3. Ибн Хажар ал-Асқалоний. Тарқиб ат-таҳзиб. – Б. 257.
4. Fred M. Donner. The History of al-Tabari. –New York. Suny press, 1993. Vol. X. p. XVI-XIX.
5. خالد البرمكي - Ҳорун ар-Рашиднинг котиби, халифаликка тайинлагандан кейин унинг вазири бўлган. Ибн Надим. ал-Фихрист. – Б. 127.
6. Ибн Надим. ал-Фихрист. – Б. 127.
7. Ибн Надим. ал-Фихрист. – Б. 131.
8. Аз-Заҳабий. Сийар ал-иълом ан-нубалаа. – Т.10. – Б. 102.
9. Ибн Надим. Ал-Фихрист. – Б. 131.
10. Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI в.). – М., 1983. – Б. 43.
11. Абу Бақр Муҳаммад ибн Муслим аз-Зухрий. Ибн Шиҳоб аз-Зухрий номи билан машҳур (671-741 йиллар). Мадинада яшаган ва шу ерда вафот этган. Ҳадис ва суннатларни биринчи бўлиб ёзма қайд этган. Буюк хофиз, фақиҳ ва тобеъинлардан. Унинг муснадидан 2200 ҳадис ўрин олган.
12. Ибн Халликан. Вафайат ал-а’йан фи анба’ абна’ аз-заман (وفيات الأعيان وأنباء أبناء الزمان). – Байрут: дар ас-сакафа, 1978. – Т. 4. – Б 275.
13. Ал-Бухарий. ат-Тарих ал-кабир. –Ж.1. –С.40.

14. Аз-Захаби, Шамс ад-Дин Мухаммад ибн Ахмад ибн ‘Усман. Сийар а‘лам ан-нубала’. – Байрут: му’сасат ар-рисала, 1992. – Т. 7. – Б. 36.
15. Ибн Халликан. Вафайат ал-а‘йан фи анба’ абна’ аз-заман. – Байрут: дар ас-сакафа, 1978. – Т. 4. – Б 276-277.
16. Guillaume A. The Life of Muhammad. A translation of Ishaq’s Sirat Rasul Allah. – Karachi: Pakistan branch. Oxford university press, 1955. –Б. xiii.
17. Ибн Халликан. Вафайат ал-а‘йан фи анба’ абна’ аз-заман. – Байрут: дар ас-сакафа, 1978. – Т. 4. – Б 277.
18. Ибн Халликан. Вафайат ал-а‘йан фи анба’ абна’ аз-заман. – Байрут: дар ас-сакафа, 1978. – Т. 4. – Б 277.
19. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Leiden. 1967, – P. 289.
20. Ибн Ҳишом ал-Маъофирий, Абдулмалик. Ас-Сийра ан-набавиййа. Биринчи жилд. 1-2 китоблар. (Пайғамбар (а.с.)нинг тарих ва ҳаёт йўллари). – Т.: “Sharq”, 2011. – Б. 14.
21. Ибн Ҳишом ал-Маъофирий, Абдулмалик. Ас-Сийра ан-набавиййа. Икки жилдли. 1-2 ва 3-4 китоблар. (Пайғамбар (а.с.)нинг тарих ва ҳаёт йўллари). – Т.: “Sharq”, 2011.

“YANGI ASR” – ILMIY-METODIK JURNALI

1 ЖИЛД, 1 СОН

“НОВЫЙ ВЕК” – НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТОМ 1, НОМЕР 1

“NEW CENTURY” – SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

VOLUME 1, ISSUE 1